**КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ**

*ёхуд дарсликлардаги хато-камчиликлар қачон тузатилади?*




Келгуси сонларда ўқинг

Ўзбекистон Республикаси Олий суди эътиборига

**Ҳисоб 2:3**

Бу ўйинда финал ҳуштаги қачон чалинади?

Келгуси сонларда ўқинг

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 5 май • шанба • № 54 (4027)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

**биринчидан,** давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

**иккинчидан,** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти;

**учинчидан,** етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

**тўртинчидан,** мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

**бешинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

**олтинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмлари мавжуд эмас;

**еттинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан, муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

2 ▸

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий ирода ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш туфайли Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган муносабатларда мавжуд улкан салоҳият тўлиқ рўёбга чиқаётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Ҳамкорликнинг эришилган юксак даражаси қардош мамлакатлар ва халқлар шериклигининг ёрқин намунаси экани алоҳида қайд этилди.

Қисқа муддатда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича улкан натижаларга эришилди. Икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинди, 15 март куни Остонада унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми изчил ўсиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Авиапарвозлар сони, автомобиль ва темир йўл ташувлари кўпайди, автобуслар қатнови тикланди. Маданий-гуманитар ва сайёҳлар алмашуви кенгаймоқда.

Шу маънода, қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг самарали механизми бўлган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти амалий натижалар бераётгани таъкидланди.

Мулоқотда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил март ойида Остонада бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг биринчи саммити самарали натижалар бергани мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг қатор долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида серқирра ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда кўп асрлик дўстлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида қатъий эканликларини таъкидладилар.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Асқар Маминни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро комиссияси самарали фаолият кўрсатаётгани ва амалий натижалар бераётганини мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат Бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари раислик қилаётган комиссия бугунги кунгача 17 мажлис ўтказди, жумладан, охирги мажлис жорий йилнинг март ойида Остонада бўлиб ўтди. 4 май куни Тошкентда комиссия ҳамраислари амалий музокаралар ўтказди.

Учрашувда Президентимиз савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, истиқболли лойиҳа ва дастурларни биргаликда амалга ошириш муҳим эканини таъкидлади.

Ўз навбатида, Асқар Мамин давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Қозоғистон олий даражада эришилган келишувларнинг сўзсиз ва ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли шерикликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини қайд этди.

**ЎзА**



### Хотира — муқаддас, қадр — абадий!

*Иккинчи жаҳон уруши йиллари. Суронли жанг майдонида юрт озодлиги учун жон олиб, жон бераётган миллионлаб ўғлонлар орасида қўлларига қалам ўрнига қурол тутганлар ҳам анчайин эди. Шундай кунларни бошидан ўтказган инсонларнинг ҳаёт йўли эса катта ибрат...*

3

## ҚУТ-БАРАКА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**наманганликлар Президент эътибори, эътирофидан мамнун**

Навоий ҳазратлари «Маҳбуб ул-қулуб» асарида лутф қиладилар: «Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар... Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат». Дарҳақиқат, ҳамма замонларда, ҳар қандай шароитда деҳқонлар ризқ яратувчи сифатида эътироф этилади.



Ҳамдам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

Ибтидоий даврдан бошлаб, инсониятни еб-ичиртирган овчиликдан сўнг ўзлаштирилган иккинчи машғулот — деҳқончилик асрлар давомида янги-янги тадрижий босқичларни бошдан кечирди. Бугун деҳқон деганда, олдинги замондагидек оёқда этиг-у, елкада кетмон тутган киши кўз олдимизда гавдаланмайди. Бугунги деҳқоннинг тагида замонавий машина, дала юмушлари учун техникаси шай, ўзи ҳам ҳосилнинг сарасини етиштириб, даромадини ўстиришнинг ҳадисини олмоқда. Бу эса ҳар куннинг аввалгидан баракали бўлишига замин яратаётир.

Зеро, янгиланиш бағрида ўсиш, ривожланиш замирида яхшиликларга ишора ётади. Бугуни кечаги кунини такрорламаган инсон кўз ўнгида ҳамиша эзгуликларга йўл очилаверади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифини кузатар эканмиз, бу сўзларнинг нақадар тўғрилигига яна бир бор амин бўлдик.

2 ▸

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
### ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◂1

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклларини ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин ҳамда улар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг муассисларидир.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органни белгилаган ҳолда, Гуманитар ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги таҳририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгиллилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгиласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Р.Иноятов ва Р.Т.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 4 май*



# ҚУТ-БАРАКА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

### наманганликлар Президент эътибори, эътирофидан мамнун

◂1

Ҳеч кимга сир эмаски, бир йилда ердан тўрт маротабагача ҳосил олиш ҳам, бирваракайига икки-уч хил экин туридан даромад топиш ҳам мамлакатимизда водий деҳқонлари томонидан амалиётга киритилган.

Аждодлардан мерос анъанани замонавий тенденциялар билан бойитган тадбиркор Содиқжон Ҳасановнинг бугунги натижалари давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди.

— Суҳбат давомида келажакда амалга оширишимиз зарур ишлар юзасидан эшитганларим, янгича ғоялар мени нафақат тадбиркор, балки ватанпарвар инсон сифатида ҳам ғоятда руҳлантирди, — дейди «Барака мева саноат сервис» масъулияти чекланган жамият раҳбари Содиқжон Ҳасанов. — 2015 йилда жамиятимизга асос солганимизда тасаввуримиз ҳам, режаларимиз ҳам анча жўн эди. Тўғри, биринчи бўлишга не етсин, бироқ ҳақиқий тадбиркор натижанинг маҳсулдорлиги, атрофдагиларнинг ҳам бу самарадан баҳраманд бўлишини кўзда тутиши керак.

Корхона учун ажратилган ер майдонларида ғалла, кунгабоқар, ловия, уруғлик картошка, дурагай маккажўхори, иссиқхонада помидор парваришланмоқда. Бу экинларнинг ҳеч бири аҳоли учун янгилик эмас, аммо уларнинг маҳаллий навларга нисбатан ҳосилдорлиги, камхаражат эканлиги деҳқончилик борасида янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

— Бутун дунёда ҳосилдор ерларнинг қисқариб бориши, сув манбаларининг камайиши агрооламда янгича ёндашувларни юзага келтирмоқда, — дейди С.Ҳасанов. — Мана, масалан, мен ўзим аэропоника услубида уруғлик картошка етказиш технологиясини Москвада ўрганиб, бир мунча тажриба орттирдим. Кам рентабелли, суғорилмайдиган ерларда ёнғоқ, ковул етказиш борасида дунё тажрибасини эгалладим. Экин майдони ажратилишини сўраб Чуст тумани ҳокимлигига мурожаат қилганимда, улар нафақат илтимосимни қондиришди, шу билан бирга мендаги ташаббус янада бойишига ҳисса қўшишди ҳам. Туман ҳокими Баҳодир Охунов «Фаол тадбиркорга инновацион ташаббуслар, илм ҳамиша керак», дея ёш олимимиз Шерзодбек Тошпўлатов билан ҳамкорлигимиз учун йўл очиб берди. Бугун Шерзодбек янги технологияларни қўллаш бўйича тажриба майдончамизда синовларни амалга оширмоқда, иқлимимизга мос навлар ва кўчатларни яратишнинг уддасидан чиқаётир. Натижалар кўзга ташланганн сари илмга асосланган бизнес ҳамиша самарали бўлишига ишончим ортмоқда.

Дарҳақиқат, тадбиркор Содиқжон Ҳасанов ҳамда тадқиқотчи Шерзодбек Тошпўлатов ҳамкорлиги 2017 йилнинг августидан бошланган бўлса-да, қисқа вақт оралиғида иқлимга мослашган янги нав ёнғоқ кўчатлари, ковул кўчатчилиги, аэропоника услубида картошка уруғи етиштиришга асосланган инновацион агротадбиркорлик мажмуаси шаклланди.

Аэропоника усулида картошка уруғи орқали анъанавий усулга нисбатан 6 баробар юқори ҳосил олиш мумкин. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида Наманганда картошка уруғчилигини ривожлантиришга доир махсус қарор ишлаб чиқиш, бутун мамлакатимизга ҳосилдор уруғ етказиб бериш бўйича топшириқ берди.

— Асли касбим биолог. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида аспирантурани тамомлаганман, ҳозирги кунда НамДУ қошидаги биотехнология лабораторияси мудириман, — дейди олим. — Янги навларни яратишдан мақсад бўш ётган, шу пайтга қадар экин экишга яроқсиз ҳисобланган ерлардан унумли фойдаланиш, деҳқонларимиз учун камхаражат, касалликларга чидамли уруғларни етказиб бериш, мамлакатимизнинг агроэкспорт борасидаги салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Илм қачон қадр топади: амалиётга жорий этилганда, изланишларингиздан одамлар баҳра олганда. Бугун тажриба майдончаларида мен билан ишлаётган, илмий тадқиқотларда иштирок этаётган 35-40 нафар шогирдимга ҳам шуни уқтираётирман. Улар келажакда нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг бошқа нуқталарида ҳам ўз билимларини муҳим соҳаларга йўналтиришларига ишонаман.

«Барака мева саноат сервис» масъулияти чекланган жамиятнинг фаолияти Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилди. Бу эътирофларга муносиб меҳнат нималардан иборат?

Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбарининг вилоятга 2017 йилдаги ташрифи чоғида ҳудуддаги паст рентабелли адирларда ёнғоқзор, пистазорлар бунёд этиш, пахта ва ғалла майдонларини камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ковул экишни ташкил қилиш, паррандачилик ва эчкичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилган эди. Ваъда вафоси билан гўзал деганларидек, «Барака мева саноат сервис» ковул уруғларини тупроққа қадаб, кўчатчиликни йўлга қўйди. 2019 — 2021 йиллар оралиғида Чуст туманининг Ахча қишлоғи атрофидаги 2000 гектарли адирликда босқичма-босқич ковулзорлар барпо этилиши кўзда тутилган. Тажриба участкасида парваришланаётган кўчатлар 2019 йилда 200 гектар майдонга ўтказилади. Уч йилдан сўнг нишона ҳосил олинади. Президентимиз бу борадаги режаларни тинглай туриб, ерга қадалаётган ковул ҳосилга киргунга қадар мевани қайта ишловчи завод қурилиши юзасидан топшириқ берди.

— Ҳозирги кунда табиий шароитда ўсувчи ковул меваларини териб, жаҳон бозорига кириш бўйича тажриба тўпламоқдамиз, — дейди Содиқжон Ҳасанов. — Ўтган йили Италияга хом ашё экспорт қилдик. Европа озиқ-овқат саноатида бу мевага талаб жуда юқори. Уни тайёр маҳсулот шаклида экспорт қилиш орқали эса мамлакатимизга кирувчи капитал миқдори янада ўсиши табиий. Насиб этса, ковулни маринадлашга ихтисослашган заводни қуриш ишларини тез орада бошлаб юборамиз.

— Ёнғоқчилик борасида ҳам янгиликка қўл урилмоқда. Бу борадаги афзалликлар нималардан иборат?

— Маҳаллий ёнғоқларимиз баландга ўсувчи бўлганлиги учун йиғиштириб олишда ноқулайликлар туғдирарди. Қолаверса, пўстлоғи қаттиқ мевадан сифатли, бутун мағиз олиш ҳам анчайин машаққатли. Қолаверса, жайдари навдаги ёнғоқнинг 1 килограммидан 430-450 граммгача мағиз олинса, бизнинг кўчатларимиз ҳосили бу кўрсаткични 500 граммдан оширмоқда. Шунингдек, янги кўчатларимиз совуққа чидамли, оқ мағиз, капалакнусха мағизли (соддароқ айтганда бозоргири), юпқа пўстлоқ ҳамда ён шохларда мева солувчи паст бўйли. Чилидан келтирилган ёнғоқ кўчатлари 160 гектар ҳудудга экилди. Куртак пайванд орқали пайвандтагларга улаш жараёни амалга оширилади. Йилма-йил кўчат экиш орқали 308 гектарли ёнғоқ плантацияси шакллантирилади. Ушбу мақсадда МЧЖ томонидан 40 000 туп кўчат етиштирилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари кам ҳосил берадиган, зарар кўриб ишлаётган туманларда пахта ва ғалла майдонларини кескин камайтириш, унинг ўрнига юқори даромад берадиган мева-сабзавот, полиз экинларини экиш лозимлигини таъкидладилар, — дея суҳбатга қўшилади Ш.Тошпўлатов. — Токи одамларимиз меҳнатининг роҳатини кўрсин, ҳаётидан рози бўлсин. Болалигим Чустнинг кенг адирликларида ўтган, бўш ётган ерларда ёввойи ўсимликлар ўсади, гуллайди, мева тугади. Фойдали экинларни экиб даромад топиш йўли ҳам бўлса керак, деб кўп ўйланардим. Эҳтимол, шу саволлар мени селекционер бўлишимга туртки бергандир. Бугун эса шу ишларда иштирок этмоқдаман, билимимни чархлаб боряпман. Ҳозирда 32 киши доимий, 800 киши мавсумий иш билан таъминланаётган бўлса, МЧЖнинг барча лойиҳалари ишга тушгач, 800 нафаргача юртдошимиз доимий иш ўрнига эга бўлади. Бу илмий ташаббусларга эътибор, бизнесга кенг йўл очилганининг самараси, албатта.

Давлатимиз раҳбари Норин туманидаги «Беш сада» фермер хўжалиги шийпонида вилоятдаги фаол фермерлар билан мулоқот қилди.

— Бу мулоқот барчамиз учун катта аҳамият касб этди, — дейди Мингбулоқ туманидаги «Бахтиёр Абдусаломович» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Қодиров. — Мен ҳам янги усулда, яъни олтмишлик схемада қўшқатор қилиб, 4 га ерга чигит қададим. Ҳисоб-китобларга кўра, чигитни қўшқатор усулда экишнинг афзаллиги кўп. Шу билан бирга, қўшқатор усулда экилган ғўзани парваришлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Масалан, қўш қаторлаб чигит экиш учун балл бонитети 40-50 баллдан юқори бўлмаган текис, механик таркиби енгил ва ўрта тупроқли, бегона ўтлар кенг тарқалмаган майдонлар ажратилиши керак, бу усулда кўчатлар сони одатдаги бир қаторлаб экишга нисбатан тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда 20-30 фоизгача, енгил ва қумоқ тупроқларда 30-40 фоизгача кўп қолдирилади. Насиб бўлса, келгуси йилдан тажрибамизни бутун туман фермерларига ўргатиб, пахтадан юқори ҳосил олишга эришамиз.

Илғор фермер, шунингдек, жорий йилда 2 гектар ерга аччиқ қалампир уруғини экиб, ҳосилни экспорт қилмоқчи. Чет элдан 100 бош наслдор қорамол келтириб, сут ишлаб чиқариш ва бўрдоқичиликни ташкил этмоқчи. Натижада 40 нафар мавсумий, 26 нафар доимий ишчи оиласига даромад кириб боради.

— Барча ҳаракатларимиздан асосий мақсад — халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишонтиришдир, деди Президентимиз, — дея ўз таассуротини ўртоқлашди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Икром Шарофиддинов. — Бугун ҳар бир наманганлик шу эътироф, ғамхўрликдан руҳланиб яшамоқда. Чунки Президентимизнинг келажак билан боғлиқ режалар, хусусан, автомобиль заводи, туристик зоналар, дам олиш масканлари, янги-янги ишлаб чиқариш линияларини барпо этиш ҳақида сўзлаганларида яқин вақт ичида вилоятимиз чин маънода республика гавҳарига айланишига ишондик. Тараққиётга ишонч, яхши кунлар дебочаси бошланганини вилоятга илк қадамини қўйган инсон борки, ҳис этмоқда. Биз бу йўлда ҳамиша камарбаста, эл-юрт манфаатлари учун фидокорлик кўрсатмоққа шаймиз.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
«Ishonch» мухбири

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» XIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

# Юксак ишончга муносиблик масъулияти



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакат ҳаётида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жамиятимизга янгича нафас, теран нигоҳ, мутлақо ўзгача руҳ, одамлар тафаккурида кескин ижобий бурилишлар ясаганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил эканига асосий эътиборни қаратди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва «Uzreport» ахборот агентлиги каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, мазкур танлов медиа соҳаси вакилларининг фуқаролик позициясини намоён этиши ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ўз фаолиятларига янгича ёндашувни такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу йилги «Олтин қалам» XIII Миллий мукофоти учун халқаро танловда 523 нафар журналист 7100 дан ортиқ ижодий иши билан қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра танловнинг Бош миллий мукофоти берилмади. Танлов иштирокчилари орасидан телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, «ОАВда китобхонлик маданияти тарғиб қилинган энг яхши материал учун», «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун», «Энг яхши матбуот хизмати» ва «Энг яхши фоторепортаж учун» рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди. Тақдим этилган ишларни ўрганишда бугунги шиддатли давр талаблари, теран таҳлил, сўзга масъулият, ифода маҳорати, ижодий фаолиятга янгича ёндашув каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Тақдирлаш маросимида ЮНЕСКО, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақавий экология марказининг филиали (РЭЦЦА), ЮСАИДнинг Сил касаллигига қарши кураш дастури, DVV International (Германия), Гёте институти, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, АҚШ, Туркия, Озарбайжон, Грузия ва Хитой Халқ Республикаларининг элчихоналари, шунингдек, миллий ҳамкорлар — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам ўз мукофотларини топширдилар.

Тадбир доирасида таниқли санъат усталари, ўзбек миллий эстрадасининг юлдузлари ва ёш санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**ЎзА**



## ҚУТЛАЙМИЗ!

*Куни кеча ижодий жамоамиз ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» XIII Миллий мукофоти ғолиб ва совриндорлари орасидан таҳририятимиз вакили ҳам ўрин эгаллади.*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун» номинациясида* ***«Ishonch» газетасининг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири Муҳаббат Тўрабоева ғолиб бўлди.*** *Ҳамкасбимизни ушбу муваффақияти билан самимий қутлаган ҳолда унга келгусида янада юксак ижодий парвозлар тилаймиз!*

# Хотира — муқаддас, қадр — абадий!



Косон туманининг Пўлати қишлоғида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Ашур ота Муҳаммадиевнинг хонадони доимо гавжум. Ашур отанинг дуосини олайин, деганлар қанча ахир. Уруш фахрийси 96 ёшга кирган бўлса-да, ҳали бардам, тетик. Кўксини тўлдириб турган ордену медаллар жанггоҳлардаги жасоратидан дарак беради.

## Ашур отанинг боғи

Ота билан суҳбатимиз суронли йиллар хотираси, оила қувончлари, бугунги саодатли кунлар, эътибор-эъзоз ҳақида бўлди.

— Уруш бошланганида айни кучга тўлган йигит эдим. Орзуларим бор эди... Бари уруш туфайли ўзгариб кетди. Ўн саккиз ёшимда жангга кирдим. Украина тарафларда душманларга қарши курашдик. Танкларнинг овози, гранаталарнинг портлашидан қулоғим битиб қоларди. Оёқ остида одамларнинг жасадларини кўриб, Тангрига илтижолар қилардим. Хайриятки, пешонада тирик қолиш ёзилган экан, — дейди Ашур ота кўзларига ёш олиб.

— Номинг ўчгур урушни биз кўрдик, ёш авлод сира кўрмасин, — дея давом этади отахон. — Портлашлар, ўқларнинг визиллаши ҳанузгача қулоғим остида. Уч марта яраландим. Ҳар гал ҳарбий госпиталда даволаниб, яна жангга кирдим. Уруш тугагач, Бухоро вилоятидаги жамоа хўжаликларидан бирида ўн йил ишладим. Сўнг Косон пахта тозалаш заводида ўн беш йил, қурилишда йигирма етти йил меҳнат қилдим. Оилали бўлдим. Аёлим жуда оқила ва меҳрибон эди. 1966 йил оламдан ўтди. 3 қиз, 1 ўғилни ўзим вояга етказдим. 15 набира, 40 чевара, 16 эваранинг бобосиман. Аллоҳдан сўраганим шуки, бугунгидай тинч-осуда, фаровон кунларимизга, мусаффо осмонимизга асло кўз тегмасин.

Юртда тинчлик, осойишталик бўлсагина, роҳат қилиб яшайсан. Беадад шукрлар бўлсинки, ҳамиша халқ эъзозидамиз. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони кўнглимни янада ёриштирди.

Ашур ота билан ҳовлисида ўзи парвариш қилган боғни сайр қилдик. Отахоннинг ҳаётдан розилиги ҳар бир гапидан шундоққина сезилиб турарди.

— Меҳнат қилган инсоннинг тани соғ, руҳи тетик бўлади. Боғингизда олма дарахти бўлса-ю, мева бермаса, ҳовлингиздаги токдан бир шингил узум узиб емасангиз... Демак, унинг парвариши яхши бўлмаган: ўз вақтида суғорилмаган ёки ўғит берилмаган. Озгина меҳнат билан эса мўл-кўл ҳосил олиш мумкин.

Халқимизда ҳикматли бир гап бор: «Дунёда яхши ном қолдирай десанг, кўчат эк». Бу нақл авлоддан-авлодга, тилдан-тилга кўчиб, достон, эртак, ҳикояларда талқин этилди, тобора чуқурроқ мазмун ва маъно касб этди. Ўзбекнинг тупроғи — олтин, унга тушган арава пайраҳаси ҳам кўкариб чиқади.

Болаларимга ҳавасим келади. Улар замонларнинг энг зўрида, юртларнинг энг ободида яшашяпти, — дейди Ашур ота.

Отахоннинг қишлоқдошлари орасида ҳурмати баланд. Сабаби, ўзи ҳатто мактабни тамомлай олмаган бўлса-да, 3 фарзандини ўқитди. 15 набирасининг барчаси олий маълумотли. Ҳозирги кунда барчаси турли соҳаларда хизмат қилиб келмоқда.

Кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз қурбонларга, қанча-қанча мусибат ва офатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугаганига кўп йиллар ўтган бўлса-да, у қолдирган жароҳат ҳали-ҳамон инсониятни безовта қилиб туради. Шундай дамларда бугунги тинч ва осуда ҳаётга қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган мустақиллик ва осойишталикнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

**Отабек НАСИМОВ**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Гулистон шаҳридаги уч нафар 100 ёшдан ошган нуроний онахонларимизга «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони топширилди.

## Эҳтиром белгиси

— Бизни эъзозлаган, меҳнатларимизни эслаб, қадрлаган давлатимиз раҳбарига мингдан-минг раҳмат! Умрлари узоқ бўлсин, — дейди Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи 103 ёшли Турдихол момо Тўғизбоева.

Худди шундай нишон «Улуғобод» маҳалласида истиқомат қилувчи 93 ёшли Кашифа она Абдуллаевага ҳам берилди.

Юз билан юзлашиб, умри бўйи ватани, халқи учун меҳнат қилган, суяги меҳнатда қотган, бундан ташқари, эл корига ярайдиган фарзандларни тарбиялаб вояга етказган, ҳозирда набира-ю чеваралар ардоғидаги ушбу мўътабар онахонларнинг қўллари дуода. Улар эрта-ю кеч юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр сўраб ўтиришибди.

**Наргиза ТОЖИБОЕВА,**
Гулистон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси



## Қаҳрамоннинг номи ўчмайди

Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида террорчилар гуруҳи билан бўлган тўқнашув пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг бир неча фидойи ҳарбий хизматчилари сафида Марғилон шаҳрининг «Йўрмадўз» маҳалласида вояга етган мард ва жасур ўғлон Бобуржон Ғаниев ҳам бор эди.

Куни кеча Бобуржон таҳсил олган 13-умумтаълим мактабида қаҳрамоннинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг бюсти ўрнатилди.

Тадбирда шаҳар ҳокими ўринбосари И.Тошпўлатов, маънавият-тарғибот маркази шаҳар бўлими раҳбари М.Йўлдошева, шаҳар Мудофаа бўлими бошлиғи подполковник Н.Ниёзов, Б.Ғаниевнинг онаси сўзга чиқиб, жасорат ва фидокорона хизматлар ҳеч қачон унутилмаслигини эътироф этишди.

13-умумтаълим мактаби фахрий ўқитувчиси Равила Асророва шундай дейди:

— Бобуржон тенгдошлари қатори жамоат ишларида фаол, табиатан иштиёқманд ўқувчи эди. Дарс машғулотларида кўплаб саволлар берарди, билмаганларини сўраб-суриштиришдан эринмасди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида мард ўғлон Бобуржон уй-музейига мактаб, коллеж ўқувчилари ташриф буюриб, унинг ҳаётига оид кўргазмалар билан танишди, Мунаввархон хожи аянинг ўғли ҳақидаги хотираларини тинглашди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
меҳнат фахрийси

Иккинчи жаҳон уруши йиллари. Суронли жанг майдонида юрт озодлиги учун жон олиб, жон бераётган миллионлаб ўғлонлар орасида қўлларига қалам ўрнига қурол тутганлар ҳам анчайин эди. Шундай кунларни бошидан ўтказган инсонларнинг ҳаёт йўли эса катта ибрат...

## Қалам ўрнида қурол билан



Бу йил 94 ёшни қаршилаган Ширулла ота Жапаров — оилада беш қиз орасида ёлғиз ўғил 1942 йил, 18 ёшида урушга сафарбар этилади.

— Урушга кетаётганимда онамнинг кўзидан тирқираб отилган ёшлар ҳамон эсимда. Опа-сингилларим ортимдан кўз тикиб қолишганди ўшанда.

Ёшлигидан расм чизишга иштиёқманд Ширулла ота тақдир тақозоси билан урушга шундай отланди. Ҳаётнинг бешафқат синовларига рўбарў келди. Новосибирскда уч ой сержантлик мактабида ўқигач, 30 кишилик взводга командир бўлиб жангга кирди. Берлинга қадар жангу-жадалда қатнашди.

— Урушда жонимиз омонат эди, бироздан сўнг нима бўлишини ҳеч ким билмасди. Бундай даҳшатли кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин, илоҳим, — дейди Ширулла ота чуқур энтикиб.

1943 йил июль сўнгидаги аёвсиз жангларнинг бирида ота чап қўли ва бошидан яраланди. Уч ой Кисловодск шаҳридаги шифохонада даволаниб, яна жангга кирди. Жароҳат излари ҳозир ҳам бор.

— Бир неча кун оч-наҳор қолиб кетишга тўғри келарди. Ҳолдан тойган бўлсак-да, ҳеч кимни мардонаворлик тарк этмасди. Автоматдан чиқаётган ўқлардан вужудлар жунбушга келарди...

Ширулла ота ғалаба нашидасини Берлинда сафдошлари билан қаршилаганини эслаб, шундай дейди:

— Уйга қайтаётганимга ишонгим келмасди. Бу не надоматки, қариндошлардан 23 нафар киши урушга бориб, фақат тоғам иккимиз қайтибмиз. Қолганлардан келган «қора хат»лар дилимизни хуфтон қилиб юборган. Бу кунни ҳеч кимнинг бошига солмасин экан, болам.

Урушдан сўнг ота яна ўзининг севимли машғулотига қайтди. Техникумни тугатгач, мактабда бир неча йил рассомликдан дарс беради. Кейинчалик узоқ йиллар ички ишлар тизимида турли лавозимларда самарали меҳнат қилди. 6 фарзандни ўстириб уйли-жойли қилган отахон бугун бир этак невара ва эваралар бағрида шодон.

Ширулла ота давлатимиз раҳбарининг «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони нуронийларга бўлган юксак эътиборнинг яна бир намунаси эканини таъкидлаб, узоқ дуо қилади:

— Бугун замонимиз тинч, ҳамма нарса етарли. Шу кунларга етказганига шукр. Халқимиз осойишталигига кўз тегмасин. Илоҳим, биз, нуронийларни иззат-ҳурмат қилиб, кўнглимизга баҳорий кайфият улашаётган ҳамиятли инсонлар омон бўлсин.

**Озода РЎЗИҚУЛОВА**

1999 йилдан буён Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Бугунги фаровон кунлар учун жонини фидо қилган аждодлар хотирасини ёд этиш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос қадрият.

## Бу кунлар орзу эди...

Қўқон шаҳар «9-Қаландархона» МФЙда яшовчи Солижон ота Содиқовнинг айни йигитлик даври Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. У 22 ёшида ўзбекнинг мард ўғлонлари қатори урушга йўл олди. Қонли тўқнашувларда олган жароҳатига қарамасдан, душманга қарши аёвсиз жанг қилди, жасорат кўрсатди. Урушдан қайтгач ҳалол меҳнати, ҳунари орқасидан эл орасида обрў қозонди.

Турмуш ўртоғи билан тўрт ўғил, бир қизни вояга етказиб, юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. 17 невара, 47 эвара, 1 чеваранинг бобоси бўлган Солижон ота уларга тинчликнинг улуғ неъмат экани, унинг қадрига етиб яшашни уқтиришдан асло чарчамайди.

Солижон ота бу йил 96 ёшни қарши олди. Истиқлол йилларида бобонинг меҳнати ва матонати давлатимиз томонидан муносиб қадрланди. Президентимиз Фармонига мувофиқ Солижон Содиқов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 26 йил» кўкрак нишони, «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бу табаррук инсон давлатимиз томонидан фахрийларга кўрсатилаётган улкан эътибордан мамнун. Ўтган йили Президентимизнинг ташаббуси билан муборак Ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлди.

— Телевидение орқали давлатимиз раҳбарининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ҳамда «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини эшитиб, кўрсатилаётган меҳр ва эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди отахон. — Бугунги дориламон кунларда, тинчлик ҳукм сураётган жаннатмонанд юртда яшаётганимизга ҳамиша шукрона келтираман. Ёшларга мустақиллик халқимизнинг бебаҳо бойлиги экани, унинг ҳар бир лаҳзаси қадрига етиб, яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишларини бот-бот такрорлайман.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«Ishonch» мухбири

## Ҳеч ким унутилмайди

Хотиралар кўнгилларни, замонларни яқинлаштиради. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти «Чинобод» санаторийси АЖ билан ҳамкорликда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этган «Ҳеч ким, ҳеч қачон унутилмайди» мавзусидаги тадбирда ҳам шу жиҳат яққол кўзга ташланди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари томонидан эсга олинган хотиралар, бугунги дориламон замон ҳақида айтилган фикрлар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади.

— Юртимиз тинч, ризқимиз бут, хавотиримиз йўқ, — дейди 95 ёшли онахон Муаттар Норматова. — Ёшлар бу неъматларнинг қадрига етиши лозим. Ҳар хил тушунарсиз, енгил-елпи одатларга эргашиш, осон ҳаётнинг ортидан қувиш, турли иллатларга ружу қўйишни ношукурлик, тўқликка шўхлик деб биламан. Уруш йилларида






бир бўлак қотган нонга зор бўлганмиз. Шундай оғир шароитда ҳам боримизни яқинлар билан баҳам кўрардик. Кунда-кунора маҳаллага «қора хат» келарди. Кимнингдир отаси, кимнингдир эри, яна бировнинг акаси ёки ўғли ҳақида шумхабар тарқаларди. Бу разолатнинг охири йўқдек, даҳшатли уруш ҳаммамизни еб, ютиб тамом қиладигандек туюларди. Ҳар гал бугунги ҳаётимизга шукрона келтириб дуога қўл очганимда, ўша қора кунлар кўз ўнгимдан ўтади. Ўша даҳшатли воқеалар, уруш қурбонлари ҳеч қачон унутилмаслиги лозим.

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридан келиб сиҳатгоҳда дам олаётган Тамара Гаипова ҳам сўзга чиқиб, дил сўзларини изҳор этди.

— Куни-кеча телевизор орқали Халқлар дўстлиги майдонининг номи тикланаётгани, бу ерга 14 нафар турли миллатга мансуб етим болаларни ўз бағрига олиб, ўзбек халқининг бағрикенглигини намоён этган Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган монумент қайтарилаётганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим, — деди у. — Ушбу монументни нафақат ўзбек халқи жасорати, балки инсонийликнинг ўзига қўйилган ҳайкал деб ҳисоблайман. Айниқса, халқларимиз янада яқинлашиб, бирдам, ҳамжиҳат бўлиб бораётгани бизни қувонтирмоқда.

Тадбир доирасида ўтказилган китобхонлик, шеърхонлик, рақс танлови ва спортнинг шахмат, шашка, югуриш турлари бўйича мусобақалар дам олувчиларда катта таассурот уйғотди. Ғолибларга таҳририят ва санаторийнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,**
«Чинобод» санаторийси маънавият-маърифат кенгаши масъул котиби

Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.

Халқаро ҳамкорлик

# «Белхимпрофсоюз» Ўзбекистонда



Белорусь кимё, нефть ва тоғ саноати ходимлари касаба уюшмаси (Белхимпрофсоюз) ҳамда Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви доирасида «Белхимпрофсоюз» вакиллари мамлакатимизда бўлишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида тармоқ касаба уюшма ходимлари ҳамда фаоллари иштирокида «Белхимпрофсоюз» касаба уюшмаси Республика қўмитасининг раиси Светлана Клочок бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.

Тадбир жараёнида «Белхимпрофсоюз» турдош касаба уюшмаси фаолияти билан муфассал таништирилди. Шунингдек, юртимиздаги тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг фаолиятга оид маърузалари тингланди. Шу куни делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти билан учрашди ҳамда Федерациянинг юридик клиникаси фаолияти билан таништирилди.

Ташрифнинг кейинги кунлари ҳам самарали кечди. Жумладан, делегация аъзолари «Самарқандкимё» ва «Максам Чирчиқ» АЖда бўлиб, бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишдилар, фаоллар билан ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан мулоқот ўтказилди. Ушбу жараёнда касаба уюшмалари олдида турган вазифалар, айниқса, меҳнат муҳофазаси борасида олиб борилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

«Белхимпрофсоюз» вакиллари икки мамлакат турдош касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини эътироф этиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо беришди. Ташриф доирасида яна кўплаб масалаларда ҳамжиҳатликни кучайтиришга келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

# МАСЪУЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ

**Жиззах вилоятида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини кўнгилли ташкил этиш тадориги кўрилаяпти. Жорий йилги мавсумда шаҳар ташқарисидаги 12 та стационар оромгоҳда 4300 нафар, таълим муассасалари қошида ташкил этиладиган 62 та кундузги оромгоҳда 5225 нафар ўғил-қизни дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.**

Вилоят ҳокими ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг «Мактаб ўқувчиларининг 2018 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори билан шаҳар ва туман ҳокимлари, тасарруфида оромгоҳлари бўлган хўжалик ва ташкилот раҳбарлари, барча мутасаддиларга ҳамда ишчи гуруҳлар зиммасига оромгоҳларни таъмирлаш, зарур жиҳозлар ҳамда белгиланган миқдорда ва турдаги дори-дармон, санитария ва гигиена воситалари билан таъминлаш, кутубхоналарда лотин алифбосидаги бадиий китоблар, маданий ва спорт жиҳозлари етарли бўлишига эришиш сингари долзарб вазифалар юклатилиб, ижроси назоратга олинди.



Шунингдек, оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган педагог ходимлар: тарбиячи, етакчи ва тўгарак раҳбарлари танлаб олинмоқда. Ташкил этиладиган ихтисослашган оромгоҳлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, йўналишлар бўйича дастурларда чет тили бўйича ўқув дарсларини кенгайтириш, ҳар бир йўналиш фаолиятига оид услубий қўлланмаларни жойларга етказишга киришилди. Оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўқитилаяпти.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиали имкониятидан фойдаланиб, оромгоҳларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мавжуд оромгоҳларда зарур шарт-шароит яратиш баробарида, хавфсизликни таъминлаш, сифатли озиқ-овқат етказиб бериш юзасидан тизимли назорат ўрнатилади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси халқ таълими, соғликни сақлаш бошқармалари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши билан ҳамкорликда оромгоҳларнинг бошлиқлари, ёшлар етакчилари, катта тарбиячилар, тиббиёт ходимлари билан амалий семинарлар ўтказаяпти.

«Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти тегишли туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда Зомин, Ш.Рашидов, Фориш, Ғаллаорол туманларидаги стационар оромгоҳларга элтадиган йўлларда таъмирлаш ишларини бошлаб юборди.

Мавсумда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан ҳамкорликда ногирон, боқувчисини йўқотган вояга етмаганларни, айниқса, ижтимоий ҳимояга ва соғломлаштиришга муҳтож саккиз юз нафар болани имтиёзли ва бепул йўлланма билан таъминлайдиган бўлди.

Мавсумга тайёргарлик қизғин давом этмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
«Ishonch» мухбири




**Николай САМОХИН,**
**рус ҳажвчиси**

# Қандай қилиб соғлом бўлиш мумкин?

*(Ҳажвия)*

Ҳурматли таҳририят!

Сизга Федор Лазаревич мурожаат қилмоқда. Ўтган шанба куни газетада тиббиёт фанлари доктори (унинг фамилиясини эслай олмайман)нинг «Соғлигингиз оёқларингиздадир» сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Бу менинг сабр косамни тўлдириб юборди. Бу гапларни кўролмаслик оқибатида қайсидир туҳматчи ёзаяпти деган хаёлга борманг. Ана шундай шубҳа туғилмаслиги учун ўзим ҳақимда маълумот бермоқчиман.

Саккиз йилдан бери газетага обуна бўламан. Мени «шифокор маслаҳати» рукнида чоп этиладиган мақолалар жуда қизиқтиради. Керакли жойларини белгилаб олиш мақсадида қалам билан диққат қилиб ўқийман. Шунингдек, «Саломатлик» журнали ва ўз саҳифаларида тиббий тавсиялар берадиган бошқа кўплаб нашрларни мунтазам равишда кузатиб бораман. Энг муҳими, бу тавсияларга амал қилишга уринаман.

Энди газетадаги мақолада муҳокама қилинган пиёда юриш масаласига тўхталсак. Гап шундаки, мен ишга пиёда қатнайман. Кино, банк ёки меҳмондорчиликка ҳам пиёда бориб келаман. Шу тариқа кунига 20 минг марта қадам ташлайман. Бундан ташқари, шифокорлар тавсияси бўйича томирим уришини 60 тадан оширмасликка, ритмик нафас олишга ҳаракат қиламан.

Эрталаб қирқ саккизта ҳаракатдан иборат жисмоний машқларни мунтазам равишда бажараман. Шунингдек, кунига ўн беш минутгача бошимни ерга қўйиб тик тураман. Йога таълимоти бўйича бурним билан сув ичаман.

Нима учун бундай қилишимни билмоқчимисиз? Энди мақсадга ўтадиган бўлсам, узоқ йиллар пиёда юрганим, бошим билан ўн беш минутгача тикка турганим ва йога усулида сув ичганимда қўшним Петр Савич Хронюкни кузатиш билан ҳам машғул бўлдим.

Хронюк ҳеч қачон эрталаб бадантарбия қилмайди. У оила бошлиғи сифатида оила аъзолари олдида мулзам бўлишдан қўрқади. Унинг икки нафар қизи бор. «Болаларим олдида ҳеч қачон ички кийимда оёқларимни ликиллатмайман. Агар шундай қилсам, улар бошимга чиқиб олишади», — дейди у менга.

Хронюк мутлақо пиёда юрмайди. Унинг «Волга» русумли автомобили бор. У бу машинани автомобилларни таъмирлаш устахонасида рўйхатдан чиқарилган иккита мотоциклдан териб олган. Хронюк дўконга ҳам, дала ҳовлига ҳам машинада боради. Агар биз барча қулайликларга эга коммунал уйда яшамаганимизда эди, у ҳожатхонага ҳам машинада борган бўларди.

Хронюкни тик турган ҳолатда кўрганимни ҳечам эслай олмайман. У машинанинг ичида ўтирган ёки унинг тагига тўшалган гиламча устида ётганча бир нималарни бураётган бўлади. Машинанинг ғилдираги ёнида доимо пиво тўлдирилган идиш туради. Вақти-вақти билан у машина тагидан чиқиб, мириқиб пиво хўплайди ва яна жойига қайтади. Кейин эса ўша ерда ухлаб қолади. Шундай ухлайдики, машина ойналари титраб, майда мурватлари ечилиб кетади. Эҳтимол, у бунақа хатти-ҳаракатлари болаларининг олдидаги ҳурматига путур етказмайди деб ўйлар.

Лекин бу ўринда гап ҳурматда эмас. Унга омад ёр бўлсин!

Илгари Хронюкка раҳмим келарди. Бунақа ҳаёт тарзи билан узоқ яшамаса керак, деб ўйлардим. Чунки у барча тиббий тавсияларни мунтазам бузар эди-да! Уни инфаркт йиқитади ёки буйраги ишдан чиқади, ҳеч бўлмаганда номаълум сабабларга кўра ўлиб кетади, деган хаёлларга борардим. Аммо орадан шунча вақт ўтса-да, Хронюкга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Аксинча, у кундан кунга соғлом бўлиб бораяпти. Ҳозир семириб кетган. Унга ғиштни уриб синдирса ҳам бўлади. Энди у машинасининг тагига сиғмаяпти. Устахонасидан чилангар Шитиковни олиб келиб, машинасини таъмирлатади.

Хўш, энди марҳамат қилиб сиз, сиз орқали ҳурматли тиббиёт фанлари доктори (фамилиясини эслай олмайман)дан сўрамоқчиман: хўп, майли, соғлигимиз оёғимизда бўлса бордир. Бу фикрга қўшиламан. Ундай бўлса, Хронюкнинг соғлиги қаерда?

Келинг, шу ўринда яна бир нарса — парҳез масаласига эътибор қаратамиз. Мен «Саломатлик» журнали рецепти ва сизнинг кўрсатмаларингизга асосан овқатланаман. Журнал ичаклар равон ишлаши учун ровочдан тайёрланган димлама ичишни тавсия қилгани сабабли уни ҳар куни ичаман. Камқон, иштаҳаси йўқ ва ниҳоятда озғин одамларга эса кўкатли салат тавсия қилинган. Уни ҳам тановвул қиламан. Хронюк эса сельдерей деб номланган кўкат номини умуман билмайди. Сельдерей ҳақида гап очсам, уни Португалия қироли деб айтди. Буни тасаввур қиляпсизми?!

У ҳолда Хронюк қай тарзда овқатланади, деб сўрарсиз? Хронюк асосан чўчқа гўшти истеъмол қилади. Чўчқа гўштини фермадан давлат нархида сотиб олади. У ерда қайниси ишлайди.

Оҳ, бундай ҳазми оғир таом Хронюкни хароб қилиши керак эди. Лекин бундай бўлмади. Унинг соғлиги тўғрисида бошқа гапириб ўтирмайман. Бор-йўғи битта мисол келтираман. Кейинги пайтларда Хронюкнинг хотини ҳам ҳайдовчиликни ўргана бошлади. Ҳар куни кечқурун у кабинага ўтиради, рулни бураш ва сигнал беришни машқ қилади. Хронюк эса хотини ростдан ҳам юриб кетиб, кимнидир босиб кетмаслиги учун машинанинг орқасини кўтариб туради. Ғилдираклар ерга тегмасдан ҳавода айланади. Шу тарзда улар 15-20 минут машқ қилишади. Бунга изоҳ бериш ортиқча.

Ҳурматли таҳририят аъзолари. Мен матбуотни жуда қадрлайман, тавсияларига амал қиламан.

Лекин сиз ҳам мени тушунинг. Ахир, мен аниқ далиллар келтирдим. Бу далиллар одамни тушкунликка тушишга мажбур қилади. Агар матбуот бизни аниқ маълумотлар билан таъминлаётган, қанақадир мақсадда бошқа томонга етакламаётган бўлса, бу юз бериши муқаррар. Мени бир нарса ўйлантиради. Хўш, нега Хронюклар соғлом ва ҳеч қандай касалликка чалинмаяпти? Бунга жавоб беринг. Эҳтимол, ўша тиббиёт фанлари доктори буни тушунтириб берадиган бошқа мақола ёзар?!

Агар шундай қиладиган бўлса, исмимни асло тилга олмасин. Ҳар ҳолда, шуниси маъқул. Барибир, тушунмайман: бу Хронюк деганлари жудаям соғлом одам....

**Рус тилидан**
**Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА**
таржимаси.

Реклама ва эълонлар

**«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Водийнефтгазишчитаъминот» МЧЖнинг 03.05.2018 йилдаги 14-сонли буюртма хатига асосан, Фарғона вилояти, Риштон тумани, Зарарик МФЙ, Фарғона кўчасида жойлашган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари бир қисми (0010 литерда қандолат цехи-умумий майдони — 156,58 кв.м.) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 010 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2018 йилнинг 5 июнь куни** соат 10:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 1 июнь, соат 17:00.

**Талабгорлар диққатига!**

Юқорида кўрсатилган мулк 2018 йилнинг 5 июнь кунги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2018 йилнинг 22 июнь куни бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг «Трастбанк» Фарғона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/Р:2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123, СТИР: 303 179 580. Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-кават, 6-хона. Телефон: (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия RR-0225.**

Тошкент шаҳар Бектемир тумани Водник даҳаси 23-уй 11 хонадон эгаси Султонов Музафархон Азадович номига туман БТИси томонидан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**«NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2018 йил 6 июнь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «НКМК» ДК Жанубий Кон Бошқармасининг хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| № | Автомототранспорт тўғрисида маълумот | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич нарх |
|---|---|---|---|---|
| 1 | ГАЗ-3110 | 30 857 KAA | 2001 | 2 371 269 |
| 2 | ГАЗ-3110-101 | 30 504 NAA | 2001 | 2 470 336 |
| 3 | ГАЗ-24057 | 30 627 OAA | 2008 | 11 484 598 |
| 4 | Нексия | 30 836 MAA | 2003 | 8 159 247 |
| 5 | Трактор МТЗ-80 | 30 612 FAA | 1997 | 3 677 788 |
| 6 | ГАЗ-31029 | 30 864 KAA | 1995 | 2 403 488 |
| 7 | Ниссан Максима 30 GV | 30 608 YAA | 2003 | 11 072 923 |
| 8 | Ниссан Patrol Euro | 30 010 OAA | 2000 | 10 466 671 |
| 9 | ВАЗ-21061 | 30 612 NAA | 2000 | 2 815 120 |
| 10 | УАЗ-39091 | 30 608 NAA | 1997 | 3 218 614 |
| 11 | ЗИЛ-131 А | 30 769 KAA | 1984 | 2 003 043 |
| 12 | ОДАЗ-9357 | 30 AA 01-06 | 1987 | 2 175 864 |
| 13 | Матиз | 30 825 KAA | 2004 | 7 181739 |
| 14 | Дамас | 30 799 KAA | 2000 | 7 203 455 |
| 15 | Нексия | 30 139 RAA | 1998 | 7 217 966 |
| 16 | Нексия | 30 714 MAA | 1999 | 7 007 310 |
| 17 | Нексия | 25 155 EAA | 2004 | 10 397 816 |
| 18 | Шевролет Нива 2123 | 25 153 EAA | 2005 | 7 330 100 |
| 19 | УАЗ 315122 | 25 169 EAA | 2002 | 3 014 096 |

**Талабгорлар диққатига!**

Мазкур 2018 йил 6 июндаги савдога харидорлардан ариза тушмаган тақдирда навбатдаги аукцион савдоси 2018 йил 22 июнь, 9, 25 июль, 10, 27 август, 27 сентябрь, 26 октябрь, 26 ноябрь, 26 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспрот воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули ҳамда кўрсатиладиган қўшимча ва консалтинг хизматлар учун энг кам иш ҳақининг бир ярим баробари миқдорида (яъни 258 360 сўм) комиссион тўлов Савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига («NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖнинг Навоий шаҳар «Саноатқурилишбанки»даги МФО: 00207, ИНН: 303793673, Ҳ/р: 20208000400587033001 ҳисоб рақамига) тўланади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 10:00 да тўхтатилади. Ушбу асосий воситалар билан эгалик ташкилот вакиллари билан жойига бориб танишиш мумкин. Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд вилояти, Нуробод шаҳри Мустақиллик кўчаси 27-уй. «НКМК» ДК ЖКБ маъмурий биноси. Такрорий савдолар ўтказиладиган манзил: Навоий вилояти Рақобат бошқармаси биноси. Навоий шаҳар, Жасорат кўчаси, 24-уй, Тел.: (0436) 224-84-38. Гувоҳнома № 44.

**Хизматлар лицензияланган.**

Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-90) 991-55-71
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Навбатчи муҳаррир:**
А. Тошев
**Навбатчи:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — 00:20
Топширилди — 00:40
1 2 3 4 5
Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 509.**
**31608** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133